O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUB XONASI
INV. № 8 1200

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 2 ноябр пайшанба
Сотувда эркин нархда
№ 218 (2515)

# ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ



1 ноябр куни Оқсарой қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Жон Эдвард Ҳёрбстдан ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди.

Ж.Ҳёрбст ўтган ҳафта Тошкентга келган пайти журналистларга ўзбек тилида баёнот берди. Президент Ислом Каримов уни янги лавозимдаги фаолиятининг бошланиши билан табриклар экан, Ўзбекистонга элчи этиб айнан шундай зукко дипломат тайинлангани учун АҚШ ҳукуматига миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида иқтисодий соҳада яхши ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Хавфсизлик, халқаро терроргиликка қарши кураш, оммавий қирғин қуроллари ва наркотик моддалар тарқалишининг олдини олиш каби масалаларда қарашлар яқинлиги эса сиёсий ҳамкорлик ривожига асос бўлмоқда.

АҚШ элчиси ўзаро муносабатларни янада чуқурлаштириш учун бор куч-ғайратини ишга солишини айтди. Давлатимиз раҳбари бу йўлда унга муваффақият тилади.

Учрашувда икки мамлакатни ҳар томонлама бир-бирига яқинлаштирувчи омилларни кўпайтириш, ўзаро ҳамкорликнинг янги қирраларини очиш учун зарур шарт-шароит яратишга оид, шунингдек, мулоқот иштирокчиларини қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

Шу куни Президент Ислом Каримовга Франция Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Жак Андре Костиль ҳам ишонч ёрлиғи топширди.

Давлатимиз раҳбари элчини шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани билан қутлаб, келгуси ишларида муваффақият тилади ҳамда Ўзбекистон ҳукумати учун Франция билан алоқаларни ривожлантириш масаласи ғоят муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.



Ж.Костиль Ўзбекистонга келганининг иккинчи куни Президентга ишонч ёрлиғи топшираётгани ўзаро муносабатлар қай даражада ривож топганини кўрсатишини таъкидлади ва қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Франция ўртасида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, илмий, маданий соҳалардаги алоқалар изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Элчининг сўзларига кўра, айни пайтда француз ишбилармонларининг ўзбекистонлик тадбиркорлар билан шерикликка қизиқиши ортиб бормоқда. Ж.Костиль ўз фаолияти давомида ўзаро иқтисодий ҳамкорлик алоқаларининг мустаҳкамланишига айниқса алоҳида эътибор қаратиш ниятида эканлигини айтди.

**(ЎзА)**

**СУРАТЛАРДА: қабул пайтидан лавҳалар.**

**Муҳаммад АМИН олган суратлар.**



***Абу Мансур ал-Мотурудий таваллудининг 1130 йиллиги олдидан***

# Самарқанд тўй тараддудида

***Яқинда Самарқанд туманига қарашли Мотруд қишлоғида бўлганимизда ўзига хос манзарани кўрдик: маҳалла аҳли мавжуд боғ-роғларни ўзгача меҳр билан парвариш қилишмоқда. Бу ерда ал-Мотурудий тўйи шарофати билан жуда катта боғ барпо этиш ишлари бошлаб юборилган. Умуман ҳозирга қадар одамлар мазкур маскандаги дов-дарахтлар меваларида аллақандай илоҳий таъм, маза борлигини эътироф этишади.***

**Фармон ТОШЕВ, Адҳам ҲАЙИТОВ.**

Тарихий манбалардан маълум бўлишича, Алишер Навоий Самарқандда бўлган ва умуман Мовароуннаҳр алломалари фаолиятини ўрганган чоғида бундай буюк зот меросига назар ташлаганлиги табиий. Жумладан, у ўзининг «Насойим ул-муҳаббат» асарида шундай дейди:

«Шайх Абу Мансур Мотурудий ўз замонининг аъламу уламосидан эрмуш. Ул вақт уламоси аларни султонул мўизин дер эрмишлар. Зоҳир ва ботин улуми бирла ораста». Ушбу асарида Алишер Навоий Мотурудийнинг муборак қабри Самарқанддаги Чокардиза қабристонида эканлигини қайд этади.

Ҳа, ал-Мотурудий Мовароуннаҳр заминида етишган ва дунё тан олган буюк алломалардан бири.

**(Давоми 2-бетда).**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

## “Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш” Давлат-кооператив қўмитасини “Ўзагромашсервис” уюшмаси этиб ўзгартириш тўғрисида

***Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларига кўрсатиладиган механизациялаштирилган хизматлар даражаси ва сифатини ошириш, қишлоқда замонавий юқори унумли техникани кенг қўллаш, қишлоқ хўжалик техникасига сервис хизмати кўрсатиш ва уни таъмирлаш, соз ҳолатда сақлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида:***

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг ҳамда “Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш” Давлат-кооператив қўмитасининг:

Деҳқончилик саноати мажмуини моддий-техникавий таъминлаш ва техникани тузатиш давлат-кооператив қўмитаси (“Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш”)ни қишлоқ хўжалигига техникавий хизмат кўрсатиш корхоналари уюшмаси — “Ўзагромашсервис” этиб ўзгартириш тўғрисидаги;

Қорақалпоғистон Республикасида ва вилоятларда машина-трактор паркларининг ҳудудий бирлашмаларини ташкил этиш ҳақидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар “Ўзагромашсервис” уюшмаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

машина-трактор паркларини ривожлантириш истиқболларини белгилаш;

тараққий этган мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш ва механизациялаштирилган хизматларнинг замонавий усулларини ҳамда сервис хизматининг бошқа турларини бозор тамойиллари асосида қишлоқ хўжалиги амалиётига татбиқ этиш;

қишлоқ хўжалик техникаси ва уларнинг эҳтиёт қисмларига, шу жумладан Ҳукумат қарорлари бўйича республикага олиб келинаётган шундай техника ва эҳтиёт қисмларга бўлган талаб-эҳтиёжни ўрганиш;

фермер ва деҳқон хўжаликларига, бошқа қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларига шартнома асосларида сервис ва таъмирлаш хизматининг шакл ҳамда услубларини кенгайтириш;

машина-трактор парклари томонидан қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларига сервис хизмати кўрсатиш бўйича ягона меъёрий ва тариф базасини шакллантириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг иштирокида унга риоя этилишини назорат қилиш;

хорижий сармояларни жалб этиш ва қўшма корхоналар барпо қилиш.

3. Белгилаб қўйилсинки, “Ўзагромашсервис” уюшмаси:

юридик шахс бўлиб, машина-трактор паркларининг ҳудудий бирлашмалари, шунингдек бошқа корхоналар ва ташкилотлар, шу жумладан қишлоқ хўжалигига механизациялаштирилган хизматлар кўрсатиш билан бевосита боғлиқ бўлган хорижий корхона ва ташкилотлар томонидан тузилади;

“Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш” Давлат-кооператив қўмитасининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

4. Машина-трактор паркларининг ҳудудий бирлашмалари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикасида ва вилоятларда жойлашган машина-трактор паркларини, қишлоқ хўжалик техникасини таъмирловчи корхоналарни ҳамда қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлари)га, фермер ва деҳқон хўжаликларига техник ва сервис хизматини таъминловчи бошқа корхоналар ҳамда ташкилотларни бирлаштирувчи очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари шаклида ташкил қилиниши белгилаб қўйилсин.

Машина-трактор паркларининг ҳудудий бирлашмалари зиммасига қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш юклансин:

машина-трактор парклари томонидан республика қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларини шартнома асосида механизациялаштирилган хизматлар билан, жумладан шудгорлаш ва экин экиш олдидан тупроққа ишлов бериш, бошоқли дон экинлари, шоли ва хашаки экинларни йиғиштириш, пахтани машинада йиғиб-териб олиш, транспорт ҳамда механизациялаштирилган хизматларнинг бошқа турлари билан таъминлаш;

**(Давоми 2-бетда).**

***Кеча пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани ҳудудида жойлашган Республика акушерлик ва гинекология илмий текшириш институти қошида «Оила ва никоҳ» илмий маслаҳат маркази очилди.***

# «Оила ва никоҳ» маркази

*Марказнинг иш бошлаши муносабати билан бўлиб ўтган маросимни республика соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров очди.*

*“Соғлом авлод” халқаро жамғармаси президенти Татьяна Каримова эса рамзий тасмани кесди.*

*Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ушбу шифо маскани бир кунда 250 нафар беморга малакали тиббий хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Бу ерда нафақат туғиш ёшидаги аёллар, балки балоғат ёшигача бўлган қизлар ҳам тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларга зарур маслаҳатлар берилади.*



*Марказга ўрнатилган асбоб-ускуналар аёлларнинг ҳомиладорлик даврида учрайдиган касалликларни ўз вақтида аниқлаш имкониятига эга. Кундузги стационарда эса беморлар даволаниб касалликлардан тўлиқ фориғ бўлишлари мумкин.*

**СУРАТДА: илмий маслаҳатхонанинг умумий кўриниши.**

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

• Қарор ва ижро

# Қош қўйи деса, кўз чиқарса...

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни тугаллаш ва 2001 йил ҳосили учун агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ниҳоятда катта аҳамиятга эга эканлиги шубҳасиз. Хўш, жойларда ушбу қарорнинг ижроси қандай бормоқда? Мухбиримизнинг Қашқадарё вилоят прокурорининг ўринбосари, адлия маслаҳатчиси Толибжон УМАРОВ билан суҳбати шу ҳақда.*

**— Толибжон ака, Вазирлар Маҳкамасининг қарорида пахта териш ва тайёрлашда қолоқлик ғўза парваришининг барча босқичида агротехнологиянинг бузилганлиги, баҳордаги қулай иқлим шароитларидан фойдаланилмаганлиги оқибати эканлиги, тезпишар ва серҳосил навлар ўрнига маҳаллий шароитга мослашмаган уруғ навлари экилганлиги, Қашқадарёда ҳам шу ҳол юз берганлиги айтилган.**

— Ҳақиқатан ҳам шундай бўлган. Мамлакатимиз Президенти буни ўз вақтида кўрсатган эди. Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори юзасидан ўтказилган текширишлар ҳам шуни исботлади. Масалан, қайси туманда тезпишар ва серҳосил нав экилди? Умуман, қайси нав ўша туман ёки хўжаликнинг иқлим ва тупроқ шароитига мос? Бу илмий асосланганми? Текширишлар жараёнида шу нарса аниқландики, Қашқадарё вилоятида 90700 гектар майдонга «Юлдуз» навли чигит экиш режалаштирилган. Амалда 72616 гектар ерга экилган. Нега? Бунга жавоб йўқ. Жумладан, «Бухоро-6» навли чигит 6 минг гектар ўрнига 36827 гектар жойга экилган. «Нима учун шундай қилинган?», деган ҳақли савол туғилади. Агар «Бухоро-6» нави афзал бўлса, афзаллиги нимада? Шароитга мос, иқлимга чидамли, серҳосил, тезпишар бўлса, нега режага оз киритилга-ну, амалда эса кўп экилган? Хўш, бунинг сабаби нимада? Вилоятда навлар бўйича белгиланган режа мутлақо бажарилмаган. Албатта, бунга кимлар айбдорлиги, сабаблари аниқланади ва қонуний баҳо берилади.

**(Давоми 2-бетда).**

# Мамлакатимизда

### Сифат учун «Олтин юлдуз»

Тўрақўрғон туманидаги 3-пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти жамоаси Испания пойтахти Мадриддан хушхабар олди. Унда Халқаро саралаш қўмитаси корхона маҳсулотига, 2000 йилги «Сифат олтин юлдузи»ни берганлигини хабар қилган.

Маҳсулот сифатининг халқаро миқёсда тан олиниши бу ерда тайёрланаётган толани жаҳон андозалари даражасига кўтариш борасидаги саъй-ҳаракатлар натижасидир. Зеро, пахта тозаловчилар ўтган мавсум давомида Жанубий Корея, Швейцария, Туркия, Голландия, АҚШ ва Россияга экспорт қилган 4759 тонна маҳсулоти хорижий буюртмачиларнинг аъло баҳосига сазовор бўлган.

### Ўзбек фильмлари дунёга чиқмоқда

Шу йилнинг октябр ойи бошларида Жанубий Корея Республикасининг Пусан шаҳрида V Халқаро кинофестивал бўлиб ўтди. Бу анъанавий Кино санъати кўриги бу йил бешинчи маротаба ўтказилди. Европа, Осиё, Австралия қитъаларининг 55 мамлакатида 300 дан ортиқ киноижодкор тасмага туширган 208 бадиий, ҳужжатли, мультипликацион кино-видео фильмлар ҳакамлар эътиборига тақдим этилди. Улар орасида мамлакатимиз киносанъаткорлари яратган 2 бадиий ва 1 мульт фильм ҳам бор эди. Ўзбекистонлик киноусталарининг бу асарларини фестивал қатнашчилари ва кўп сонли томошабинлар илиқ кутиб олдилар.

Фестивал дастуридан жой олган фильмлар 9 кун мобайнида «Пусан халқаро кинофестивали хиёбони»даги 4 та замонавий кинотеатрнинг 14 та кинозалида намойиш этилди.

### «Вардонзе»нинг укалари

Шофиркондаги «Вардонзе» қўшма корхонаси Ўзбекистон — Туркия ишбилармонлари ҳамкорлигининг мевасидир. Бу ерда тўшак, чойшаб ва бошқа маҳсулотлар тикилади. Улар турини кўпайтириш ва сифатини жаҳон андозаларига мос қилиш учун эса хомашё зарур.

Худди шундай хомашёни Япониянинг «Мицубиси» ва Туркиянинг «Бурсел» компанияларининг «Ўзбекенгилсаноат» давлат уюшмаси билан ҳамкорликда Шаҳрисабз ва Чиноз шаҳарларида қураётган газлама ишлаб чиқаришга мўлжалланган қўшма корхоналари етказиб беради.

«Вардонзе» корхонаси ҳозиргача россиялик темирйўлчиларга 22 миллион сўмлик вагон ўриндиқларида ишлатиладиган тўшак ва чойшаблар етказиб берган бўлсалар, украиналик темирйўлчилар эса йил охиригача 50 миллион сўмлик ана шундай маҳсулотни қабул қилиб оладилар.

# Чоршанба хабарлари

Янгиликлар, воқеалар, фактлар

## Швейцариялик меҳмонлар ташрифи

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида Швейцария Конфедерацияси Федерал маслаҳатчиси, мамлакат Федерал молия департаменти вазири Каспар Виллегер бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.



Ташқи иқтисодий алоқалар вазири Элёр Ғаниев Ўзбекистон бир йилда 2,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида чет эл инвестициясини ўзлаштириш салоҳиятига эгалигини айтиб, мамлакатимиз Швейцария банкларининг кредит ресурсларини Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этишдан манфаатдор эканини қайд этди. Вазир хориж сармоялари давлат кафолатлари билан таъминланишини ҳам таъкидлади.

Шунингдек, Швейцария Конфедерацияси Федерал маслаҳатчиси, мамлакат Федерал молия департаменти вазири Каспар Виллегер раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ҳам бўлди.

**Элмурод ЮНУСОВ, ЎзА мухбири.**

# Пойтахтда

# Курраи заминда

### Ҳалокат сабаби нимада?

“Курск” атом сувости кемаси ҳалокатининг аниқ сабаблари кема денгиз тубидан кўтарилгандан сўнггина маълум бўлади. Кема эса 2001 йилда юзага олиб чиқилади. Лондонга ташриф буюрган Россия хавфсизлик кенгаши котиби Сергей Иванов шундай деди.

С.Иванов ташрифи давомида Россия билан Буюк Британия ўртасидаги алоқалар ҳамда минтақавий ва халқаро хавфсизлик масалалари бўйича музокаралар ўтказади.

### Сайловга беш кун қолди

АҚШ президентига номзодлар — А. Гор ва Ж. Буш ўртасидаги кураш қизғин тус олмоқда. Номзодлар биргина октябр ойида сайлов тадбирлари учун ўн беш миллион доллардан маблағ сарфладилар. Аҳоли кўз ўнгида бир неча марта телемунозаралар ўтказишди. Бўлажак сайловга эса бор-йўғи беш кун қолди. Шундай экан, кўп ўтмай АҚШнинг янги президенти номи аниқ бўлади. Бу ном бизга таниш учта ҳарфдан иборат бўлади: Гор ёки Буш. Б.Клинтон эса унга ўз курсисини янги асрнинг биринчи ойи ўрталарида бўшатиб беради.

### Президентни парламент сайлайди

Молдова президенти Петр Лучинский сайлов тизими билан боғлиқ янги қонунга имзо чекди. Унга кўра, энди Молдова президенти умумхалқ овоз бериш йўли билан эмас, балки мамлакат парламенти томонидан сайланади. Хабарларга қараганда, республикада шу йилнинг декабр ойи ўрталарида худди шундай тартибда президентлик сайлови ўтказилади.

### Транспорт ҳаракати тўхтатилди

Буюк Британиядаги довул ҳозирча олти кишининг ўлимига сабаб бўлди. Соатига 150 километр тезликдаги кучли шамол кўплаб уйларнинг томини учириб кетяпти. Транспорт, поезд ва самолётлар ҳаракати тўхтатилган. Мутахассислар мамлакатнинг табиий офатдан кўрадиган зарари 200 миллион фунт стерлингга етиши мумкинлигини тахмин қилмоқда.

**«Интернет» хабарлари асосида тайёрланди.**

**Азиз муштарий! Сизга хуш кайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обуна давом этаётганлигини маълум қиламиз**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

# “Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш” Давлат-кооператив қўмитасини “Ўзагромашсервис” уюшмаси этиб ўзгартириш тўғрисида

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

машина-трактор паркларини ривожлантириш, таъмирлаш базаларини яратиш, тракторлар, ғалла ўриш ва пахта териш комбайнлари ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик техникасига сервис хизмати кўрсатиш ва уларни таъмирлаш;

замонавий қишлоқ хўжалик техникасига, шу жумладан импорт техникага буюртманомаларни машина-трактор паркларидан йиғиб олиш ва умумлаштириш;

машина-трактор паркларига лизинг асосида қишлоқ хўжалик техникаси етказиб бериш тўғрисида “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” компанияси билан шартномалар тузиш;

машина-трактор паркларининг қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлари) ва фермер хўжаликлари билан энг аввало Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича тарифларнинг миқдорларига нисбатан ягона меъёрлар ҳамда талабларга риоя этилиши масалаларида шартномалар тузиш борасидаги ишлари устидан назоратни амалга ошириш;

бажарилган ишлар ва сотиб олинган техника учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинишини, хорижий ва ички кредитлар тўланишини таъминлаш, бирлашма таркибига кирган корхоналар ва ташкилотлар фаолияти устидан молиявий ҳамда бухгалтерлик назоратини амалга ошириш.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Агросаноат комплекси, Давлат мулки қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари 2000 йилнинг 1 декабрига қадар белгиланган тартибда “Ўзагромашсервис” уюшмасини шакллантиришни ҳамда машина-трактор паркларининг ҳудудий бирлашмаларини ташкил қилишни ниҳоясига етказиб, уларни малакали, касб жиҳатдан тайёрланган кадрлар билан таъминласинлар.

6. Белгилаб қўйилсинки, марказлаштирилган молиявий маблағлар ҳисобига импорт бўйича харид қилинадиган қишлоқ хўжалик техникасини тақсимлаш машина-трактор парклари ҳудудий бирлашмаларининг буюртманомалари асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга оширилади.

7. “Ўзбекистон ССР Моддий техника таъминоти ва агросаноат комплекси техникасини ремонт қилиш давлат-кооператив комитетини ташкил этиш ҳақида” Ўзбекистон ССР Президентининг 1991 йил 15 апрелдаги Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда “Ўзагромашсервис” уюшмасининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 31 октябр.



«Пахта — 2000»

## Фарғона тумани маррага етди

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Қурама тоғи этакларида, қир-адирлар бағридаги ерларда деҳқончилик қилаётган Фарғона тумани пахтакорлари 7845 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25,4 центнердан, жами салкам 20.000 тонна «оқ олтин» йиғиштириб олиб, шартнома режасини бажардилар. Бу ютуққа «Фарғона», «Кўрғонтепа», Бобур номли, «Хонқиз» жамоа хўжаликлари пахтакорлари муносиб ҳисса қўшдилар.

Фарғоналиклар режага қўшимча яна 1,5 минг тонна пахта хирмони уйиш ниятида йиғим-теримни давом эттирмоқдалар.

# Самарқанд тўй тараддудида

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Шу боисдан бундай буюк зотнинг хотирасини ҳурматлаш ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарздир. Вазирлар Маҳкамасининг ал-Мотурудий юбилейини нишонлаш тўғрисидаги қарори миллионлаб юртдошларимиз кўнглидаги гап бўлиб чиқди.

Самарқанд вилоят ҳокимлиги зудлик билан бу қарорнинг ижросига киришди. Вилоятда фаолият кўрсатаётган олимлар, археологлар, мутахассислар, адабиётчилар иштирокида кенгаш ўтказилди. Жуда кенг миқёсда тадбирлар белгиланди. Уни бажариш жараёнида олимлар ва фахрийларнинг фикрлари ўрганилди. Энг асосийси, деярли ҳар битта ўқув юртида қишлоқ ва маҳалла аҳли, меҳнат жамоалари иштирокида аллома ижодий фаолияти билан боғлиқ анжуман ва конференциялар ўтказилди.

Бу санани нишонлаш, албатта, ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун бир қанча қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш ва шаҳар кўча-хиёбонларини тартибга келтириш юмушлари бажарилмоқда. Республика Фан ва техника давлат қўмитаси ҳомийлигида Археология институти олимлари олдига ал-Мотурудий қабрини топиш ва мана шу Чокардиза қабристонида дафн қилинган бир неча юзлаб боболаримизнинг, диний арбобларимизнинг қабрларига аниқлик киритиш масаласи қўйилди ва илмий экспедиция ташкил этилди. Натижада бобомиз қабри қаердалиги аниқ ашёвий далиллар асосида исботланди. Бунда ЎзРФА Археология институти директори Т. Ширинов, институт ходимлари А. Бердимуродов, Т. Лебедева, И. Иваницкийларнинг хизматлари алоҳида бўлди. Қабристонда тағин 300 дан зиёд буюк алломалар қабри борлиги ҳам аниқланди.

Бундан ташқари, Чокардиза ёнида «Талли муҳаддисон», яъни муҳаддислар тепалиги бўлганлиги қайд этилди. Институт ходимлари мазкур мавзуда алоҳида илмий тўплам ҳам тайёрлашди.

Шу кунларда аллома қабри аниқланган жойда унинг мақбараси қурилмоқда. Лойиҳага биноан мажмуа қурилиши учун, хусусан, таъмирлаш, қурилиш, ободонлаштириш ишларига 500 миллион сўм маблағ сарфланиши лозим эди. Қурилиш ғоят қисқа фурсатда, атиги бир-икки ой ичида якуний босқичга кўчди. Иш уч сменада ташкил қилинган бўлиб, 500 нафардан зиёд киши меҳнат қилмоқда.

Қурилиш майдонида вилоят ҳокими бошчилигида штаб ташкил қилинган. Ҳар куни бир марта лозим топилганда икки мартадан бунёдкорлик ишлари таҳлил этилмоқда. Қилиниши зарур бўлган юмушлар, вазифалар белгиланмоқда.



Бугунги кунда Регистон майдонига ташриф буюрганлар бу масканни танимай қолишлари табиий. Илгари кўзи тушган кишилар ҳозир майдонда Навоий номли кинотеатр йўқлигини кўриб ҳайрон қолишмасин. Унинг ўрнида Мотурудий қабригача бўлган майдонда жуда катта хиёбон пайдо бўлди.

Яна шу нарсани таъкидлаш керакки, меҳнат қилаётган беш юз кишидан ташқари 20 га яқин қурилиш ташкилотлари ўзларининг бутун куч-имкониятларини ишга солиб ишламоқда. Ургут, Тайлоқ ва Самарқанд туманларидан келган қурувчилар, ҳунарманд-усталарнинг қўли-қўлига тегмайди.

— Бундай улкан иншоот мангу туради, —дейди вилоят ҳокимининг ўринбосари Абди Маматов. — Бевосита вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан бу ерда ҳозир фақат маҳаллий бюджет ҳисобидан 121 миллион сўм, Самарқанд шаҳар маҳаллий бюджетидан эса 22 миллион сўм, вилоят маҳаллий бюджетидан махсус қарор асосида жами 143 миллион сўм маблағ ажратилган. Бундан ташқари, бир қатор ҳомий ташкилотлар ҳам бунёдкорлик ишларига ўзларининг муносиб улушларини баҳоли қудрат қўшишмоқда. Масалан, Республика мусулмонлар идораси 26 миллион сўмдан зиёдроқ, «Имом ал-Бухорий» жамғармаси 2 миллион сўм ҳадя этди. Вилоятимиз ҳудудида ва бошқа жойлардаги бир қатор ташкилот, корхона ҳамда муассасалар, айрим саховатпеша кишилар ҳам қараб туришгани йўқ.

Шунингдек, юбилей муносабати билан бир қатор маданий-маърифий тадбирлар ҳам режалаштирилган. Абу Мансур ал-Мотурудий бобомиз мероси яна бир бор илмий жиҳатдан ўрганилиб, тадқиқотлар асосида илмий-анжуман ўтказилади. Анжуман ул зоти муборакнинг устози ҳисобланган, умуман Шарқда ҳадис илмининг асосчиси бўлган Имом ал-Бухорий мақбара-мажмуида бўлиб ўтади. Бунда 30 дан зиёд чет мамлакат вакиллари, олимлари иштирок этиши кутилмоқда. Тошкентдаги бир қатор нуфузли институтлар, диний идоралар ва жамоатчилик вакиллари, бошқа меҳмонлар ҳам ҳозир бўлишади.

Самарқандлик олимларимиз ҳам улуғ бобомиз юбилейига ўзларининг фарзандлик эҳтиромларини намоён этишмоқда. Улар олий ўқув юртлари, халқ таълими масканлари, маҳаллалар, жамоатчилик жойларида қатор анжуманлар ўтказдилар.

Албатта, юбилей кунлари хориж мамлакатлардан ва республикамиз вилоятларидан келадиган меҳмонларга Самарқанднинг бетакрор тарихий-маданий обидалари, зиёратгоҳ ва Мотурудий билан боғлиқ қадамжолари кўрсатилади. Самарқанд, Тайлоқ ва Челак туманларига олиб борадиган йўллар атрофлари ободонлаштирилмоқда. Бу масканларни ҳадиси шариф ва бошқа муборак китоблардан олинган, Имом ал-Бухорий, Абу Мансур ал-Мотурудий каломи билан битилган сўзлар ёзилган шиор ҳамда кўргазмали воситалар билан жиҳозлаш тараддуди кўрилмоқда. Юбилейга ташриф буюрган меҳмонларга табаррук китоблар улашилади.

Ҳазрат Имом ал-Мотурудий бобомиз фоний дунё билан видолашаётган пайтларида яқинларига «Агар мен охират сари рихлат қиладиган бўлсам, қабримни улуғ зот Қусам ибн Аббос қабри билан Хўжа Абду Дорум қабрларининг ўрталарига қўйингизлар», дея васият қилган эканлар. Буни қарангки, топилган ва ҳозир ул зоти муборакнинг мақбара-мажмуи бунёд этилаётган ва айнан Чокардиза қабристони худди ҳазрат айтган жойдан чиқди. Демак, бу биринчидан, Имомнинг ниятлари холислигини билдирса, иккинчидан, бу бизнинг аъмолларимиз, ниятларимиз, қилаётган ишларимиз ҳам ул зоти Караммнинг ниятига мос келганлигини кўрсатмоқда.

**Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА)**
**олган суратлар.**

● Бугунги ҳаракат — эртанги баракат

# Вазифа аниқ, гап уни бажаришда

***Республика Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни тугаллаш ва 2001 йил ҳосили учун агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан сўнг Жиззах вилояти ҳокимлиги томонидан бир қатор тадбирлар белгиланган эди. Хўш, жойларда уларнинг ижроси қандай таъминланаяпти?***

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Мавсумда четдан ҳашарчиларни жалб этмаслик ташаббуси билан чиққан Пахтакор тумани деҳқонлари ҳақиқий уддабурон эканликларини исботламоқдалар. Ҳозирги кунда туман далаларида вилоят бўйича энг кўп — 13 та кўрак териш машиналари ишлатиляпти. Техникадан самарали фойдаланилаётгани боис суръат ошиб, кунига бир фоиз атрофида пахта топширилмоқда. Бу яхши, албатта.

Аммо шундоққина қўшни Жиззах туманига ўтсангиз, бу манзаранинг тамомила аксини кўрасиз. Ўтган ҳафтанинг жума ва шанба кунларида мавжуд 18 та кўрак териш машинасининг атиги 10-11 тасидан фойдаланилаётганининг гувоҳи бўлдик. Афсуски, терилган кўракни қуритиш, чувиш ишларига, бир ҳафта ўтаяптики, ҳали киришилгани йўқ. Бунинг устига, Навоий номли хўжаликда терилган кўракнинг бир қисми очиқ майдонда сақланаётгани ташвишли ҳолдир. Айниқса, кунига 25-26 тонна кўсак чувиб тозаланиши ўрнига хўжалик гаражига уйиб ташланаётганлигига нима дейсиз? 2 та кўсак чувиш агрегатининг эса яқин орада ишлашига кўзимиз етмади. Шунинг учун бўлса керак, айримлар кўсакни қўлда чувишга зўр беришаяпти.

Учтепа пахта тозалаш очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти айнан Жиззах тумани хўжаликларининг пахтасини қайта ишлайди. Ўзаро шартномага мувофиқ, хўжаликлар заводга пахтани келишилган даражада қуруқ ва тоза ҳолда топширишлари керак. Аммо мавсум давомида «Самарқандқудуқ», Бобур номли, Ўсар Ҳотамов номли хўжаликлардан бир неча марталаб ҳўл, ифлос маҳсулот олиб келиш ҳоллари учради.

Биз заводда бўлган кунимиз «Самарқандқудуқ» хўжалигидан 25 октябрда келтирилган, аммо қабул қилинмаган пахтанинг ҳовлида қаровсиз ётганлигини кўрдик. Тумандаги «Бодом она» фермер хўжалиги эса қаерлардадир қолиб кетган эски пахтани «топиб» келганлигига куйишингизни ҳам, кулишингизни ҳам билмайсиз.

Бундай хўжасизликлар оқибатида Жиззах туманида ҳалигача йиллик режа ҳамон ярмидан ошгани йўқ.

Арнасой туманидаги аҳвол бундан ҳам ташвишланарлидир. Тўғри, бир ҳафта олдин туман машина-трактор парки ҳамда ДАН ходимлари хўжаликлардаги 6 та кўрак териш агрегатини йиғиб келишди. Ҳозиргача уларнинг 4 таси таъмирланиб, теримга тушди. 2 та кўрак чувиш агрегати ҳам бор. Кўрак терувчи Холмўмин Турдиев, Абдураим Қолжонов, Гулбой Соипов, Шукур Шомуродовларнинг ҳар бири кунига «Олтин водий» хўжалигидан 4-5 бункердан кўрак теришаяпти. Аммо бу суръат, бу куч билан теримда ўзгариш ясаб бўлмайди-ку!

— Бир пайтлари собиқ Фучик номли хўжаликнинг ўзида 20-23 та кўрак териш машинаси ишларди, — дейди туман машина-трактор парки раҳбари Зоитбек Аспанов. — Хўжаликлар асоссиз равишда кўплаб техникани ҳисобдан чиқариб юборишган. Энди уларни тиклашнинг иложи йўқ.

Бу раҳбарларнинг узоқни кўра билмасликлари, техника қадрига етмасликлари оқибатидан бошқа нарса эмас. Ахир, ҳозир битта кўрак териш агрегати 20-30 ҳашарчининг ишини қилиши мумкинлигини ҳеч ким инкор этолмайди-ку!

Ёки туманда 14 та «Кейс» кучи билан атиги 491 тонна пахта терилганини нима билан изоҳлаш мумкин?

Айнан техникага таяниб меҳнат қилган, ғўза парваришлаган Й. Зоҳидов номли хўжаликдаги «Парвоз», «Олтин водий» хўжалигидаги «Лапасбой» фермер жамоалари йиллик режани ошириб уддалаганликлари кўпчиликка ибрат бўлиши даркор.

Шу ўринда хўжаликларда терилган кўракни тезроқ қуритиш борасидаги муаммолар тўла ечилмаётганини таъкидлаш жоиз. Қуритиш цехлари йўқлигидан кўсак ва подборларни энг оддий усулда қуритишга мажбур бўлинаяпти. Бунда, биринчидан, вақт йўқотилиши, иккинчидан, ҳосил сифатли қуритилмаслиги ҳаммага аён.

Вақт ўтиб бормоқда. Кузнинг ғанимат кунларида қилинадиган ишлар аниқ. Гап уларни бажаришда қолган. Буни унутмайлик.

● Таҳририятга хат

# Бебошлик қачонгача?

Бизнинг Ҳасанбой қишлоғимиз Ўзбекистон пойтахти ҳудудига қўшилганида газ, сув, электр қуввати таъминоти изга тушади деб беҳад қувонган эдик. Даставвал баъзи ишлар бошланиб, енгил нафас ҳам олгандек бўлдик. Афсуски, ҳамма саъй-ҳаракат кўчаларга янги симёғочлар ўрнатиш билан чекланди. Кўчаларни ёритиш, хонадонларни бир маромда электр билан чароғон қилишга бўлган умидларимиз пучга чиқаяпти. Янгиси билан ёнма-ён электр симлари эски симёғочларда осилиб-чўзилиб ётибди. Шамол турса, хонадонларда чироқлар тақа-тақ ўчади.

Бу ҳам етмагандек икки-уч ойдан буён яна бир одат чиқаришди: электрни эрталаб соат $6^{30}$ да ўчириб, 18-19 ларда қувват беришади. Бу хонадонларда маиший техника ишдан чиқишидан ташқари қаттиқ асаббузарликларга, турмушда турли мушкулотлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

— Шаҳар мутасаддиларига бир саволимиз бор: Бу бебошлик қачонгача давом этади?

**Ўлмас Норматов, Отахон Маннонов,**
**Ўрмон Муҳамедов, меҳнат фахрийлари.**




## «Қалдирғоч» қанот қоқмоқда

*Кун сайин чирой очиб бораётган Термиз шаҳрида аҳолига маданий, маиший ва савдо хизмати кўрсатаётган кўркам бинолар қад ростламоқда. «Қалдирғоч» супермаркети ана шулардан биридир. Маҳсулотлар хилма-хиллиги боис бу ер доимо харидорлар билан гавжум.*

**СУРАТЛАРДА: «Қалдирғоч» супермаркетининг кўриниши; сотувчи Шаҳноза Жўраева.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ**
**олган суратлар.**



● Акс садо

# «БИТТА БУЙРАКЛИ КЕЛИН»

«Халқ сўзи», 2000 йил 20 сентябр

Мен мақолани катта қизиқиш билан қайта-қайта ўқидим. Пировардида, шундай фикр-хулосага келдим:

Биринчидан, келиннинг ота-онаси унга шифокорнинг гапларини, яъни битта буйрак билан турмушга чиққан тақдирда ҳам, нари борса, 40-50 йил яшаши мумкинлигини айтишганмийўқми? Мақолада масаланинг бу жиҳати мавҳум бўлиб қолган. Шу сабабли марҳума аёл эрини алдаган, деган фикр билдириш адолатдан эмас.

Иккинчидан, қайинопанинг сўзларидан сезилиб турибдики, келин ҳаёт учун курашган, яшашга интилган, сўнгги нафасигача турмуш ўртоғини, болаларини ўйлаган. Уларнинг қисматига куйинган. Қолаверса, у эллик йил танҳо умр кечиргандан кўра, олти йилгина бўлса-да, келинлик, бекалик ва оналик бахтини кўриб, ҳаётдан кўз юмишни афзал билган. Ўзидан наслзурриёт қолдирган. Бу менимча, унинг пасткашлигидан эмас, аксинча, олижаноблигидан далолат беради.

Учинчидан, қайинопанинг аза чоғи қудабобо ва қудабувини даврадан ҳайдаб чиқаришини, уларга таънамаломат тошлари отишини мен мутлақо ёқламайман. У ниҳоятда беандишалик қилган. Шусиз ҳам бошига тушган мусибатдан изтироб чекаётган ота-онанинг юрагига жароҳати битмас тиғ санчган. Марҳуманинг руҳига ҳурматсизлик кўрсатган. Янаям аниқроғи, етим қолган жиянлари тақдирига эмас, укасининг тўйига кетган сарф-харажатларга афсусланган. Эҳтимол, худди шу боис ўзи ҳам касалликка чалинган.

Мен қуда-андалар ва куёвнинг аҳволини тушунаман. Она меҳридан эрта жудо бўлган болалар тақдиридан ташвишланаман. Аммо ҳаммасидан ҳам кўпроқ ҳаётга тўймай, фарзандлари орзу-ҳавасини кўрмай кетган келинга ачинаман.

**Султонмурод**
**АБДУВАҲОБОВ,**
**пенсионер.**
**Тошкент.**

## Кутубхона фонди кўпайди

**Илҳом Сафар,**
**ЎзА мухбири**

Ибн Сино номидаги Бухоро вилоят кутубхонасига уммон орти мамлакатидан ўзига хос совға келди. АҚШнинг “Эмирен Электрик Корпорейшн” ташкилоти кутубхонага 203 нусха китоб жўнатди. Инглиз тилидаги бу адабиётлар асосан болаларга мўлжалланган.

# Қош қўй деса,

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

**— Қарорда ғўзаларни озиқлантириш муддатлари ҳамда минерал ўғитлар солиш нормалари қўпол равишда бузилганлиги таъкидланган. Вилоятимизда бу борада аҳвол қандай?**

— Вилоятда жами 302290 гектар ғўза майдони минерал ўғитлар билан озиқлантирилган. Азотли ўғит билан таъминлаш 86,4 фоизни ташкил этган. Туманлар бўйича олсак, Шаҳрисабз туманида мавжуд 5800 гектар майдондаги ғўза 54,4 фоиз, Чироқчи туманида 11000 гектар майдондаги ғўза 52,7 фоиз, Касби туманида 21910 гектар майдондаги ғўза 42,8 фоиз. Муборак туманида 10500 гектар майдондаги ғўза 29,0 фоиз, Косон туманида 23600 гектар майдондаги ғўза 60,44 фоиз, Қарши туманида 15970 гектар майдондаги ғўза 55,3 фоиз минерал ўғитлар билан озиқлантирилган. Нима учун шундай бўлган? Ҳолбуки, вилоят «Агрокимётаъминот» давлат ҳиссадорлик бирлашмаси тизимидаги корхоналар билан хўжаликлар ўртасида минерал ўғитлар билан таъминлаш тўғрисида шартномалар тузилган. Лекин назарда тутилган миқдордаги минерал ўғитлар хўжаликларга етказилиб берилмаган. Ачинарлиси шуки, етказиб берилган минерал ўғитлар ҳам ғўзаларни озиқлантиришга сарфланмасдан, айрим ҳолларда хўжалик раҳбарлари ва мутасадди ходимлар томонидан талон-торож қилинган. Масалан, Нишон туманидаги А.Қодирий номли ширкат хўжалиги омбор мудири Ч.Қодиров томонидан 14000000 сўмлик минерал ўғит талон-торож қилинганлиги аниқланиб, хўжаликнинг 4 нафар мансабдор шахси Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 167-моддаси 4-қисми «а» банди билан айбланиб, судга берилди.

Шунингдек, Қарши туманидаги А.Икромов номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Х.Омонов ғўзани озиқлантириш учун берилган 80 тонна, яъни 1040,0 минг сўмлик минерал ўғитни талон-торож қилганлиги учун, хўжаликнинг 3 нафар мансабдор шахси билан бирга Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 167-моддаси 3-қисми билан айбланиб, судга берилди.

**— Қишлоқ хўжалик техникаларидан фойдаланишда қандай нуқсонлар бор деб ўйлайсиз?**

— Бир сўз билан айтганда, техникадан фойдаланиш қониқарсиз аҳволда. Жумладан, Косон туманида мавжуд 730 та чопиқ тракторидан 316 таси, Қамаши туманида 363 тадан 157 таси, Нишон туманида 509 тадан 118 таси, Чироқчи туманида 343 тадан 115 таси, Касби туманида 503 тадан 98 таси, Қарши туманида 402 тадан 80 таси, Ғузор туманида 276 тадан 65 таси, У.Юсупов туманида 318 тадан 56 таси техник носозлиги сабабли ғўза парваришида фойдаланилмаган. Ваҳоланки, хўжалик раҳбарлари техника етишмайди, деган гапни кўп айтишади.

Вилоятда пахта терими мавсумига техникани тайёрлаш ҳам қониқарсиз бўлган. Мавжуд 360 та кўрак чувиш машинасидан 218 таси, 391 та пахта юклагичдан 294 таси, 284 та кўрак терувчи машинадан 171 таси, 750 та ғўзапоя юлгичдан 500 таси мавсумга тайёрланган, холос.

**— Сув ва ердан фойдаланишда ҳам қонунбузарликлар аниқландими?**

— Албатта. Шу ўринда ер тузиш ва ердан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси ҳамда хўжаликларнинг мутасадди мансабдор шахсларининг бу масалага совуққонлик билан қараганлигини таъкидлаш лозим. Шу туфайли кўпгина хўжаликларда оилавий пудратчилар томонидан шартнома қоидаларига риоя қилинмаган. Ердан ўзбошимчалик билан фойдаланилган. Масалан, Касби туманида яшовчи фуқаро Л.Қаюмов «Наврўз» қишлоқ хўжалик кооперативи ҳудудидаги пахта экилиши лозим бўлган 58,8 сотих ер майдонига ўзбошимчалик билан полиз экинлари экиб, хўжаликка 47040 сўм моддий зарар етказган. Шунингдек, фуқаро М.Каримов шу тумандаги А.Навоий номли қишлоқ хўжалиги кооперативида пахта экилиши лозим бўлган 1,0 га ер майдонига ўзбошимчалик билан полиз экинлари экиб, хўжаликка 156000 сўм моддий зарар етказган.

Бундан ташқари, Касби туманидаги А.Навоий номли, «Комилон», «Талишбе» ва «Наврўз» хўжаликларининг 12 та оилавий пудратчиси томонидан пахта экилиши лозим бўлган 16,98 гектар майдонга бошқа экинлар экилиб, хўжаликларга 1.680.800 сўм миқдорида моддий зарар етказилган.

Биргина Нишон тумани «Ойдин» ширкат хўжалигида раҳбарларнинг лоқайдлиги туфайли пахта экиш режалаштирилган 15,69 гектар ер майдонига пахта экилди, деб статистик ҳисоботлар бузиб кўрсатилган. Ҳақиқатда эса, бош пудратчилар томонидан ушбу ер майдонига ерёнғоқ ва бошқа экинлар экилиб, хўжаликка 548059 сўм миқдорида моддий зарар етказилган. Ушбу ҳолат юзасидан хўжалик раҳбари Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддаси билан айбланиб, судга берилди.

Кўриниб турибдики, бу йилгидек сув танқис бўлган шароитда ундан фойдаланиш ҳам қониқарсиз бўлган. Пахта ва ғаллага берилиши керак бўлган сув ана шундай экинзорларга оқизилган.

Шунинг учун ҳам ғўза экилган майдонлар 3 мартадан суғорилиши режалаштирилган бўлса-да, амалда бу тадбир 44 фоизга бажарилган, холос,

• Обуна — 2001

***Яқинда янгиариқлик шифокорлар аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш масалалари бўйича атрофлича фикрлашиб олишди. Шу билан бирга, улар келгуси йил учун газета ва журналларга обунани ташкил этиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратишди.***

# Яқин мададкоримиз

**Сотим АВАЗ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Даврий нашрлардаги Президентимиз фармонлари, ҳукуматимиз қарорларини чуқур ўқиб-ўрганиб бориш, соҳадаги янгиланишлар ва илғор тажрибалар билан узлуксиз танишиб туриш эҳтиёжи уларни шунга ундади.

— «Халқ сўзи» газетаси ҳамма учун, — дейди туман марказий шифохонаси бош врачи Рустамбой Бобожонов. — Шу сабабли унга барча касб кишилари обуна бўлишади. Шифокорлар учун эса у, айниқса, муҳим. Чунки давлатимизнинг аксарият ҳужжатлари тиббиёт ходимларига бевосита дахлдор. Уларда олдимизда турган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шу сабабли марказий шифохонада, асосий тиббиёт муассасаларида севимли газетамиз бўлишини таъминлашни, яъни обуна нусхаларини 50 тага етказишни мўлжаллаяпмиз.

Тажрибали шифокор Гулбаҳор Саидова шундай фикр билдирди.

— Йилимиз «Соғлом авлод йили». Бу ҳақда «Халқ сўзи» кўплаб мақолалар бериб боряпти. Демак, биз газетани муттасил ўқиб боришимиз мақсадга мувофиқ. Келгуси йил ҳам соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотлар мавзуида газетада кўплаб чиқишлар эълон қилинади, деб ўйлайман.

Ҳамшира Гулноза Собирова эса республика соғлиқни сақлаш вазири Ф. Назиров билан ўтказилган «Халқ сўзи» газетхонларининг мулоқотини мамнуният билан эсга олди.

— Газетанинг бундай ташкилотчилик тадбирлари бошқа соҳада ҳам давом эттирилса, улар асосида яхши анъаналар туғилади, — деди у ўз сўзида.

Туман шифокорлари ўтган йили ҳам обуна мавсумида фаоллик кўрсатишиб, сира ютқизишгани йўқ. «Халқ сўзи» муваффақиятларни мустаҳкамлашда уларга яқин мададкор бўлди. Туманда вилоятда биринчилардан бўлиб шошилинч тиббий ёрдам маркази иш бошлади. Аҳолининг турли касалликларга чалиниш даражаси, болалар ўлими бирмунча камайди. Қолаверса, газетада Янгиариқдаги тиббиёт масканларининг фаолияти таҳлил этилди.

Бугун ҳам улар ҳаётида газетада ёритишга арзигулик янгилик бор. Куни кеча Аваз Ўтар номли ширкат хўжалигида қишлоқ врачлик пункти ўз фаолиятини бошлади. Бу янги ва замонавий муассаса Каттабоғ қишлоғи аҳолисини туман марказига қатнаш ташвишларидан халос қилди. Унда беш нафар врач хизмат кўрсатмоқда.

• Илм — замон хизматида

# География фани уфқлари

***Мустақилликка эришгунимизча умумтаълим тизимида ўқитилган география ўқувчиларни республикаларнинг ривожланиш даражаси бир хилда, ишлаб чиқариш кучлари ҳудудлар бўйича бир меъёрда эканлигига ишонтиришга уринишдан иборат эди. Аммо, бугунги кунда шоҳид бўлиб турибмизки, аслида бундай бўлмаган.***

Эндиликда миллий истиқлол география фани олдига янгидан-янги вазифаларни қўйди. Бу борада Президентимизнинг олиб бораётган ташқи сиёсати, мамлакатимиз табиий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш борасидаги тегишли қимматли фикр-мулоҳазалари ва айниқса, «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...» номли китобларида мамлакатимизнинг геосиёсий ва геостратегик мавқеига катта эътибор қаратиши диққатга сазовордир. Ёш мустақил республиканинг дунё ҳамжамиятига кириб боришини, унинг ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олишининг табиий, иқтисодий, социал шарт-шароитларини, имкониятларини географик жиҳатдан пухта ўрганиш; ички ва халқаро меҳнат тақсимотини оқилона ташкил этиш тамойилларини ишлаб чиқиш бугунги, яъни янгиланаётган география фанининг асосий вазифаларидир. Ишлаб чиқариш кучларини мамлакат бўйича тўғри ташкил этиш ва жойлаштиришни географик нуқтаи назардан асослаш; вужудга келган экологик вазиятни чуқур таҳлил этиш негизида уни яхшилаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш; замон талабларига жавоб бераоладиган ўқув қўлланмалари ҳамда дарсликлар яратиш ҳам шулар жумласига киради.

Шуни эътиборга олган ҳолда мамлакатимиз географлари яқинда Самарқанд шаҳрида, Самарқанд Давлат университетида тўпланиб, «География фани XXI аср бўсағасида: муаммолар, ечимлар ва йўналишлар» мавзусида илмий амалий анжуман ўтказдилар.

Анжуманда асосий эътибор юқори малакали миллий кадрлар тайёрлаш муамосига қаратилди. Бугунги кунда мамлакатимиз географлари сафида 21 фан доктори ва 180 га яқин фан номзоди, профессор ҳамда доцентлар фаолият кўрсатиб келмоқдалар. География кенг қамровли фан бўлганлиги боис, мазкур илмий даражага эга бўлган ходимлар ҳам унинг турли йўналишларида самарали изланишлар олиб боришяпти. Қувонарлиси шундаки, мустақиллик йилларида анъанавий тадқиқот йўналишлари — янги тадқиқот объектлари пайдо бўлди. Буларга аҳолига савдо хизмати кўрсатиш, туризм ва рекреация, фан ва илмий тадқиқот географияси йўналишларида бажарилган илмномаларни киритиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, ушбу тоифа изланишлар собиқ Иттифоқ таркибида шаклланган география учун бирмунча ёт жиҳатлар ҳисобланган бўлса, бугунги кунда Ўзбекистон географиясининг истиқболли йўналишларидан бирига айланди.

Бошқа фанлар қатори бу соҳада ҳам юқори малакали миллий кадрлар тайёрлаш масаласига жиддий аҳамият берилмоқда. Масалан, мустақиллик йилларида 4 нафар фан доктори ҳамда 30 га яқин фан номзодлари ўз илмномаларини муваффақиятли ҳимоя қилдилар. Бу, албатта, эътиборга молик натижа. Аммо...

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, биз юқорида зикр қилган 20 дан ортиқ фан докторларининг ўртача ёши 62 ёшни ташкил этади; улар таркибида 30, 40, 50 ёшгача бўлган олимлар мутлақо йўқ. Айни пайтда мазкур фан докторларининг 88 фоизи Тошкент шаҳрида.

Малакали кадрлар тайёрлашдаги бу ҳудудий нотекислик ва номувофиқликни бизда географияга қизиқувчи ёшлар йўқ экан-да? — деб тушуниш керак эмас, албатта. Аксинча, бизда бундай илмга чанқоқ ёшлар жуда кўп. Буни сўнгги йиллардаги Ўзбекистон Олий Аттестация комиссияси маълумотлари ҳам тасдиқлайди. Чунки, 9 йил давомида Ер ҳақидаги фанлар бўлими бўйича ҳимоя қилинган илмномаларнинг аксарият қисми фаннинг айнан шу соҳасига тегишлидир. Хўш, унда муаммо нимада, деган савол туғилади. Бунинг муайян сабаблари бор. География моҳиятан табиий фанлар сирасига киради. Шу боис ҳам уни дала тадқиқотларисиз тасаввур этиш қийин. Кўринадики, дала тадқиқот илмий экспедицияларини кўпроқ амалга ошириш айни муддаодир.

География табиатшунослик фанларининг асосий бўғинидир. Мамлакатимизда бугунги кунда ривожланган геология, сейсмология, тупроқшунослик каби фан соҳалари ҳам айнан шу фан бағрида шаклланган ва тараққий этган. Лекин, афсуски, география ушбу фанлар туркумига асос бўлса-да, ундан ажралиб чиққан фан соҳаларида Фанлар академиясининг академиклари бор-у, аммо бу фанда улар умуман йўқ. Ахир, географияда ҳам, биз юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, ўнлаб етук географ олимларни етиштириб бераётган илмий мактаблар юзага келди-ку! Ўйлаймизки, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янги тайинланган раҳбарияти бу борада оқилона иш тутиб, яқин кунларда режалаштирилган сайловларда география фани соҳалари бўйича ҳам академикликка ўрин ажратади.

Шунингдек, ушбу муассаса раҳбарияти яна бир масалага эътиборни кучайтирсалар маъқул бўларди. Яъни, Фанлар академиясининг Сейсмология институти қошида география бўлими (бугунги кунда деярли институт лабораториясига айланган) фаолият кўрсатиб турибди. Бўлим 20 нафар илмий ходимдан, уч лабораториядан ташкил топган бўлса ҳам унинг илмий, амалий, ташкилий соҳалардаги фаолияти институт даражасидан қолишмайди. Шу боис, бугунги кунда мазкур географларнинг мамлакатда ягона ҳисобланган бўлимини сақлаб қолиш, уни имконият қадар кенгайтириб, мустақил бир муассасага айлантирилса айни муддаодир.

Бугунги кунда, география фани мутахассислари замон талабларига жавоб бера оладиган, ўқув-услубий қўлланмалар ҳамда дарсликлар яратиш борасида изланиш олиб бормоқдалар. Ўтган 9 йил мобайнида ўрта умумтаълим мактаблари учун «Геоэкология», «Табиатшунос», «Табииёт», «Материклар ва океанлар географияси», «Ўзбекистон географик атласи», «Амалий география» ва 8, 9- синфлар учун географик атласлар нашр этилиб, ўқув жараёнига жорий қилинди. Шуниси диққатга сазоворки, «Геоэкология» ҳамда «Амалий география» ўқув қўлланмалари илгари ўз муқобил вариантига эга бўлмаган қўлланмалар бўлиб, улар таълим тизимига мустақиллик шарофати билан киритилган. Шу билан бирга, географларимиз олдида академик лицей ва коллежлар, бакалавриат ҳамда магистратура босқичлари учун ҳам ўқув қўлланма ва дарсликлар ёзишдек муҳим вазифа турибди.

География фани ўз моҳиятига кўра ва интеграция салоҳиятига асосланганлигини эътиборга олиб, унинг узоқ ва яқин хорижий мамлакатлардаги илмий марказлар билан мунтазам алоқа қилишини йўлга қўйиш лозим. Шу нуқтаи назардан ўзаро илмий сафарлар ташкил қилиш, мутахассислар алмашиб туриш, катта аҳамиятга эга. Ана шундагина катта ва бой анъаналарга эга бўлган ўзбек географиясини ҳам жаҳон ҳамжамияти танийди ва ҳурмат қилади.

**З. АКРАМОВ, А. СОЛИЕВ,**
**Т. МИРЗАЛИЕВ,**
**профессорлар.**
**М. АЗИМОВ, доцент.**





# Йўл ёқасидаги «Лаби ҳовуз»

*Кармана шаҳри ҳудудидан ўтувчи Самарқанд — Бухоро магистрал йўли ёқасида «Лаби ҳовуз» деб номланган янги замонавий ошхона қурилиб ишга туширилди. Карманалик тадбиркор аёл Ҳафиза Туробова ташаббуси билан ишга тушган мазкур ошхонада ўн хилдан ортиқ ўзбек миллий таомлари тайёрланмоқда. 100 ўринга мўлжалланган ошхонада алоҳида дам олиш хоналари билан биргаликда қарияларга мослаб сўрилар ҳам қўйилган.*

**СУРАТЛАРДА: «Лаби ҳовуз» ошхонасининг ташқи кўриниши; ошпаз Насиба Очилова мижозларга кўнгилли хизмат кўрсатмоқда.**

**Собир ЗУФАРОВ (ЎзА)**
**олган суратлар.**

ХУШХАБАР

# Уч кумуш, бир бронза

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Американинг Виржиния-Бич шаҳрида армрестлинг бўйича йигирма биринчи жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда қирқ олти мамлакатдан олти юздан ортиқ таниқли спортчилар иштирок этдилар.

Беллашувларда республикамиз шарафини Навоий вилояти вакиллари ҳимоя қилишди. Саккиз кун давом этган қизғин баҳсларда Елена Шафранова ва Мирзоҳид Шараповлар уч кумуш, бир бронза медалини қўлга киритишга муваффақ бўлдилар.

# кўз чиқарса...

Шаҳрисабз туманидан бошқа бирорта туманда ғўзага учинчи сув берилмаган.

Вилоятда ер майдонларини агротехника талабларига риоя қилмасдан шудгор қилиб, хўжалик манфаатларига жуда кўп миқдорда моддий зиён етказиш ҳоллари ҳам аниқланди.

Масалан, Ғузор туманида 10 та жамоа хўжалигида 193 гектар ер майдони агротехника қоидаларига зид равишда сифатсиз шудгор қилиниб, хўжаликларга 1133006 сўм моддий зарар етказилган. Ушбу ҳолат юзасидан Ғузор туман прокуратураси томонидан «Туман машина-трактор парки» давлат акционерлик жамиятининг бўлим бошлиғи У.Усмонов Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 207-моддаси 1-қисми билан айбланиб, судга берилди. Бундай қонунбузарликлар Қамаши туманидаги «Чим», «Ғаллакор» ва «Наврўз» жамоа-ширкат хўжаликларида ҳам юз берганлиги маълум бўлди.

Мана, нима учун 2000 йил пахта ҳосили кутилган миқдорда чиқмаётганлигининг сабаблари!

Туман ҳокимликлари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги бошқармаси мансабдор шахсларининг ишини кўриб, гоҳо ёқангни ушлайсан, киши. Йўқса, Нишон туманидаги «Оқолтин» ширкат хўжалигидаги 4-кичик ширкатнинг ижарачиси С.Нурбоевга қарашли 33 гектар майдондаги пахта тўлиқ териб олинмасдан, ғўзапояси ўрилармиди? Ҳеч қандай рухсатсиз 15 гектар майдондаги ғўзани ўриб, кўп миқдордаги пахтани нобуд қилганлиги учун, 4-ширкат бошлиғи И.Бўтаев ва бошқаларга нисбатан тегишли жиноят иши қўзғатилди.

Касби туманидаги «Ғалаба» ширкат хўжалиги пудратчиси К.Мирзаев, Косон туманидаги «Косон» кооператив-ширкат хўжалиги ижарачиси Т. Йўлдошевлар ҳам ана шундай ўзбошимчалик билан иш тутганлар.

Умуман, Вазирлар Маҳкамасининг «Экинларни пайҳон қилишга қарши кураш самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорини бажаришда айрим раҳбарлар масъулиятсизликка йўл қўймоқдалар. Шунинг оқибатида хўжаликларда пахта майдонларини пайҳон қилиш ҳолатлари кўплаб содир этилмоқда. Вилоят бўйича шу йил 9 сентябр куни пахта майдонларини пайҳон қилиш бўйича 155 та ҳолат қайд қилинган, 528 бош йирик ва майда шохли моллар томонидан 5,85 гектар пахта майдони пайҳон қилиниши натижасида 216231 сўм зарар етказилган бўлса, 20 октябр куни эса пахта майдонларини пайҳон қилиш 214 тага кўпайиб, 729 та йирик ва майда шохли чорва моллари томонидан 7,69 гектар пахта майдони пайҳон қилинган.

**— Айни пайтда пахта йиғим-теримининг сўнгги палласи давом этаётир. Шундай кезларда теримчиларга, ҳашарчиларга иш ҳақларини бериш, шароит яратиш катта аҳамиятга эга. Лекин гоҳо жиддий суиистеъмолчиликлар тўғрисида ҳам эшитиб қоламиз.**

— Вазирлар Маҳкамасининг қарорида йиғим-терим қатнашчиларининг иш ҳақлари ҳар 5 кунда бериб борилиши кўрсатилган. Бироқ айрим хўжалик ва банк раҳбарларининг масъулиятсизлиги ва банкдан олинган пул маблағларининг вақтида тарқатилиши назорат қилинмаганлиги оқибатида олинган пуллар хўжалик хазинасида бир неча кун сабабсиз равишда тарқатилмасдан сақлангани аниқланди. Масалан, Қамаши туманидаги «Корабоғ» агрофирмасида пахта йиғим-теримига қатнашувчи ишчи-хизматчилар учун 772511 сўм, «Ғиштли» жамоа-ширкат хўжалигида банк муассасасидан олинган 144300 сўм пул вақтида ишчиларга тарқатилмасдан, 7 кун жамоа хазинасида сақланган.

Шунингдек, Касби тумани «Пахтакор» қишлоқ хўжалик кооперативи банк бўлимидан 2000 йил 10 октябрда 5 иш куни учун 1000836 минг сўм олган бўлса-да, 2000 йил 11 октябр куни соат 17.00 га қадар теримчиларнинг 330 минг 145 сўм иш ҳақи тарқатилмаган. Бундан ташқари 26-30 сентябр кунлари пахта ҳосили учун ҳисобланган 18346 сўм иш ҳақи берилмасдан келинаётганлиги аниқланди.

Нишон туманидаги А.Қодирий номли қишлоқ хўжалиги кооперативи раҳбарининг айби билан беш кунлик иш ҳақи ведомостлари вақтида банк муассасасига тақдим қилинмаган. Оқибатда иш ҳақлари берилмаган.

Шуни айтиш керакки, вилоятда пахта йиғим-теримига сафарбар қилинган ҳашарчиларга шарт-шароитларни яратиш, санитария, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш аҳволи ҳам қониқарли эмас.

Нишон туманидаги Ч.Бегимқулов номли, «Туркманистон» ва «Оқолтин» жамоа-ширкат хўжаликларида ҳашарчиларга етарли даражада шарт-шароитлар яратилмаган, санитария ҳолати қониқарсиз аҳволда.

Бундай қонунбузарликлар Усмон Юсупов туманидаги 26-сонли «Миришкор», 24-сонли Автономов номли ва Муборак туманидаги «Гулистон» жамоа-ширкат хўжаликларида ҳам мавжуд.

**— Демак, мазкур қарордан сўнг жиддий ўзгариш қилиниши лозим. Акс ҳолда...**

— Тўғри. Бунинг учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ҳам ўз ваколатлари доирасида ҳамма ишни қиладилар.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Нарзулла РАВШАНОВ**
**суҳбатлашди.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

***(Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2000 йил 23 октябрдан 28 октябргача бўлган маълумот)***

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Эркин омбор» божхона режими тўғрисида вақтинчалик низом. *ЎзР Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 23 октябрда 981-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди (2000 йил 2 ноябрдан кучга киради).***

***II. Давлат рўйхатидан чиқарилди:***

1. Олтин маъдани конларига заҳиралар таснифлашини қўллаш бўйича вақтинчалик йўриқнома. *ЎзР Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 23 октябрда чиқарилди (1996 йил 30 январда 224-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).***

2. Кумуш маъдани конларига заҳиралар таснифлашини қўллаш бўйича вақтинчалик йўриқнома. *ЎзР Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 23 октябрда чиқарилди (1996 йил 27 июнда 258-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).***

3. Темир маъдани конларига заҳиралар таснифлашини қўллаш бўйича вақтинчалик йўриқнома. *ЎзР Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 23 октябрда чиқарилди (1996 йил 27 июнда 259-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).***

4. Қурилиш ва қоплама тош конларига заҳиралар таснифлашини қўллаш бўйича вақтинчалик йўриқнома. *ЎзР Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 23 октябрда чиқарилди (1996 йил 15 декабрда 291-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).***

5. Қум ва шағал конларига заҳиралар таснифлашини қўллаш бўйича вақтинчалик йўриқнома. *ЎзР Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 23 октябрда чиқарилди (1996 йил 15 декабрда 292-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).***

6. Гилли жинслар конларига заҳиралар таснифлашини қўллаш бўйича вақтинчалик йўриқнома. *ЎзР Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 23 октябрда чиқарилди (1996 йил 15 декабрда 293-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).***

7. Марганец маъдани конларига заҳиралар таснифлашини қўллаш бўйича вақтинчалик йўриқнома. *ЎзР Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 23 октябрда чиқарилди (1997 йил 11 августда 357-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).***

8. Мис маъдани конларига заҳиралар таснифлашини қўллаш бўйича вақтинчалик йўриқнома. *ЎзР Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 23 октябрда чиқарилди (1997 йил 26 августда 360-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).***

9. Вольфрам маъдани конларига заҳиралар таснифлашини қўллаш бўйича вақтинчалик йўриқнома. *ЎзР Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 23 октябрда чиқарилди (1998 йил 19 январда 396-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).***

10. Қўрғошин ва цинк маъдани конларига заҳиралар таснифлашини қўллаш бўйича вақтинчалик йўриқнома. *ЎзР Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 23 октябрда чиқарилди (1998 йил 19 январда 397-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).***

11. Магматик жинслар конларига заҳиралар таснифлашини қўллаш бўйича вақтинчалик йўриқнома. *ЎзР Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 23 октябрда чиқарилди (1998 йил 27 январда 398-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).***

12. Карбонат жинслар конларига заҳиралар таснифлашини қўллаш бўйича вақтинчалик йўриқнома. *ЎзР Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 23 октябрда чиқарилди (1998 йил 27 январда 399-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).***

13. Каолинлар конларига заҳиралар таснифлашини қўллаш бўйича вақтинчалик йўриқнома. *ЎзР Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 23 октябрда чиқарилди (1998 йил 27 январда 400-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).***

14. Қаттиқ фойдали қазилма конлари заҳиралари ва башорат қилинган ресурсларнинг таснифи. *ЎзР Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 23 октябрда чиқарилди (1999 йил 30 июлда 785-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).***

15. Табиий монополияларнинг маҳсулотлари ва хизматларини тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни келишиш тартиби тўғрисидаги услубий кўрсатма. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 25 октябрда чиқарилди (1998 йил 3 июлда 451-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).***

16. Юридик шахсларга валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш учун лицензиялар бериш тартиби. *ЎзР Марказий банки томонидан тасдиқланган.*

***2000 йил 27 октябрда чиқарилди (1998 йил 28 декабрда 582-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).***

**Мазкур меъёрий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тақдимномалари асосида амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан ўз кучини йўқотди.**

***III. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида ва Марказий банк Ҳисоб-китоб касса марказларида электрон имзо ва шифрация калитларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида низом. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан товарларни ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича классификациялаш юзасидан дастлабки қарор қабул қилиш тартиби. *ЎзР Давлат божхона қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

3. Почта, телекоммуникация ва матбуот тарқатиш хизматлари истеъмолчиларини анкеталашдан ўтказиш тартиби. *Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан тақдим этилган.*

4. Давлат алоқа нозирлигининг «Ишонч телефони» хизмати тўғрисида низом. *Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан тақдим этилган.*

**Тақдим этилган ҳужжатларда амалдаги қонунчиликка зид қоидалар мавжуд ёки улар меъёрий ҳужжатларга қўйилган талабларга жавоб бермайди. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган меъёрий ҳужжатлар Адлия вазирлигининг хулосалари ҳисобга олинган ҳолда қайта ишланган тақдирда давлат рўйхатидан ўтказиш учун такроран тақдим этилиши мумкин.**

***IV. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмоқда:***

1. Фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқариладиган пахта хом ашёсини тайёрлаш тартиби тўғрисида низом. *Ўзпахтасаноатсотиш уюшмаси томонидан тақдим этилган.*

2. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ходимлари ва Молия вазирлиги тизими ходимларининг ижтимоий ривожлантириш ва моддий рағбатлантириш жамғармасини шакллантириш ва маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида низом. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

3. Ўзбекистон Республикаси банкларни аудиторлик текшируви тўғрисида низом (янги таҳрирда). *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

4. Акциз маркалари билан маркаланмаган тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларни олиб қўйиш, мусодара қилиш ва сотиш тартиби тўғрисида йўриқнома. *ЎзР Давлат божхона қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

5. Хизмат қатновлари учун шаҳар транспортида ойлик йўл чипталаридан фойдаланувчи ходимларга солиқ солиш тартиби тўғрисида кўрсатма. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

6. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий, муҳандислик, муҳандис-техник ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш жамғармаси тўғрисида низом. *ЎзР Фанлар академияси томонидан тақдим этилган.*

7. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида табиий муҳитга ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик учун тўлов миқдорини индексациялаш. *ЎзР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

8. Якка тадбиркорлар - дон маҳсулотлари ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга ун ажратиш тартиби. *«Ўздонмаҳсулот» Давлат акциядорлик корпорацияси томонидан тақдим этилган.*

9. Электр тармоқларига уланган истеъмол станцияларини диспетчерлик бошқариш тўғрисида низом. *ЎзР Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

10. Истеъмолчилар чекловлари ва узиб қўйиш жадвалини киритиш ҳамда қувват ва электр энергияси танқислигида истеъмолчилар томонидан электр таъминотининг белгиланган тартиби ва электр кучи чекловлари жадвалларига риоя этилишини назорат қилиш тартиби. *ЎзР Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

11. Акциядорлик жамиятининг акциядорлари реестри тўғрисидаги низомга 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *ЎзР Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан тақдим этилган.*

12. Тайёрланган қимматли қоғозларни чиқариш ва уларнинг муомалада бўлиши тартибига 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *ЎзР Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан тақдим этилган.*

13. Қимматли қоғозлар бўйича ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш тўғрисидаги низомга 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *ЎзР Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан тақдим этилган.*

14. Инвестиция воситачилари тўғрисидаги низомга 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *ЎзР Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан тақдим этилган.*

**Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тақдим этилди.**
**Саволлар ва таклифлар учун**
**телефонлар: 133-38-67, 132-00-28**

